



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-504

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Бандихон тумани “Бойсун 2-участка” массиви “Қудуксой” маҳалласи ҳудудидан “BANDIXON FLYING FALCON” МЧЖга озуқабоп экинлар экиш ва чорвачилик комплекси қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/657-сон йиғилиш баёни ва Бандихон туман ҳокимининг 2020 йил 3 сентябрдаги 01-05/2806-сон хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/657-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Бойсун 2-участка” массиви “Қудуксой” маҳалласи ҳудудидан “BANDIXON FLYING FALCON” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1242қ-дала контуридаги жами 10,0 гектар яйлов ер майдони, шундан 5,0 гектари озуқабоп экинлар экиш учун, 5,0 гектари чорвачилик комплекси қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “BANDIXON FLYING FALCON” МЧЖ чорвачилик комплекси қурилишига ажратилган 5,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 83 725 100 (саксон уч миллион етти юз йигирма беш минг юз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати

билан туман ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов